

ШОҲ ИСМОИЛ ВА КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД



Дилафрӯз Қурбонова

тарих фанлари доктори

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-03-05>

Аннотация: Санъат инсоният цивилизациясининг энг гўзал ҳодисаларидан бири бўлиб, рассомчилик санъати ушбу гўзални энг яхши шаклда ўзида мужассам этади. XV-XVI асрларнинг атоқли рассоми Камолиддин Беҳзоднинг мерос қолдирган асарлари бунга яққол далилдир. У ўзининг бир қатор янгиликлари билан рассомчилик санъати, жумладан, миниатюра яратиш услубларига муҳим ўзгаришлар киритди. Беҳзод санъатни ўрганишни Ҳурот шаҳрида бошлади ва унинг ўзига хос тасвирий санъати бутун Шарққа танилди. Унинг ижоди ва унинг миниатюраларидаги янгиликлар илмий тадқиқотларга мавзў бўлиб келмоқда.

Калит сўзлар: Камолиддин Беҳзод, миниатюра, санъат, Ҳурот, Табиз, Сафавийлар, тарихий манбалар, XVI аср, тасвирий санъат.

Аннотация: Искусство является одним из самых прекрасных явлений человеческой цивилизации, и изобразительное искусство, в частности, лучше всего воплощает эту красоту. Работы великого художника XV-XVI веков Камолиддина Беҳзода, оставившие после себя значительное наследие, служат ярким примером этого. Он внес значительные изменения в искусство живописи, в частности, в стили создания миниатюр. Камолиддин начал изучать искусство в городе Герат, а его уникальный стиль живописи стал известен по всему Востоку. Его творчество и новшества в миниатюре продолжают быть предметом научных исследований.

Ключевые слова: Камолиддин Беҳзод, миниатюра, искусство, Герат, Тебриз, Сефевиды, исторические источники, XVI век, изобразительное искусство.

Abstract: Art is one of the most beautiful phenomena of human civilization, and visual arts, particularly painting, best embodies this beauty. The works of the famous XV-XVI century artist Kamoliddin Behzod, which left a significant legacy, serve as a clear example of this. He introduced significant changes in the art of painting, especially in the styles of miniatures. Kamoliddin began his artistic studies in the city of Herat, and his unique style of painting became widely known across the East. His work and the innovations in miniature painting remain a subject of scholarly research.

Keywords: Kamoliddin Behzod, miniature, art, Herat, Tabriz, Safavids, historical sources, 16th century, visual arts.

Санъат инсоният цивилизациясининг энг гўзал ҳодисаларидан бири бўлиб, рассомчилик санъати ушбу гўзалликни энг яхши бир шаклда ўзида мужассам этади. XV-XVI асрларнинг атоқли рассоми Камолиддин Беҳзоддан мерос қолган асарлар бунга яққол далилдир. Камолиддин Беҳзод ўзининг бир қатор янгиликлари билан рассомчилик санъати, жумладан, миниатюра яратиш услубларига муҳим ўзгаришлар киритди. У ўз даврининг маданият ва санъат маркази бўлган Ҳирот шаҳрида дунёга келди. Тарихий манбаларга кўра, теурийлар сулоласи ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаронинг рассоми ва кутубхоначиси, Мирак Ҳусайний номи билан машҳур бўлган Амир Рухуллоҳ унинг тарбиясини ўз зиммасига олди. Бундай муҳит Камолиддинда санъатга нисбатан қизиқиш уйғотди. У дастлаб машқ қилишни ўрганди, сўнгра тазҳиб – қўлёзма китобларга олтин суви югуртириш

санъатини ўрганишга киришди, устози Мирак Ҳисорий ҳузурида эса рассомчилик таълимини олди. Айтишларича, у Хитой рассомчилик мактаби билан яхши таниш бўлган Пир Сайид Аҳмад Табризийдан ҳам дарс олган. Беҳзоднинг истеъдоди Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳамда унинг маданиятпарвар вазири Амир Алишер Навоийнинг назарига тушиб, у Султон Ҳусайн Бойқаро кутубхонасининг раҳбарлигига тайинланади.

Шоҳ Исмоил Сафавий 1512 йил Ҳиротдаги бир неча истеъдодли санъаткорларни, ҳунармандларни ўзи билан бирга Табризга олиб кетади. Ҳиротдан Табризга олиб кетилган «жавохир»лар орасидаги энг нодири ва ноёби Камолиддин Беҳзод эди. Чунки Беҳзод бу пайтда бутун Шарқ элларида донғи кетган буюк санъаткор бўлиб, уни ўз қарамоғида сақлаган салтанат энг бой, қудратли ва обрў-эътиборли ҳисобланарди.

Камолиддин Беҳзод санъатини юксак қадрлаган Исмоил Сафавий наққошга ижод қилиш учун Табризда барча шароитларни яратиб беради. Маълумки, Табризга Беҳзод бир гуруҳ истеъдодли шогирдлари билан келган бўлиб, улар ҳам Табризда Беҳзоднинг раҳнамолигида ўзларининг ижодий ишларини давом эттирадилар.

Манбаларда берилган маълумотларга кўра, 1520 йилда Шоҳ Исмоил ёш шаҳзода Таҳмаспга расм ўргатиш учун Беҳзодни ўз салтанати пойтахти Табриз шаҳрига таклиф этади. 1522 йил Исмоилнинг фармонида кўра Беҳзод шоҳнинг бош китобхони этиб тайинланади. Аммо, орадан икки йил ўтгач, 1524 йил шоҳ Исмоий 37 ёшида кутилмаганда вафот этади ва Беҳзоднинг кечроқ ижодини сафавий ҳукмдори Шоҳ Таҳмасп I (1525-1576 йиллар ҳукмронлик қилган) исми билан боғлашади. Унинг қўл остида Беҳзод то ўлимига қадар хизмат қилади.

Бу пайтда Шоҳ Таҳмасп учун Беҳзод раҳбарлигидаги Ҳирот ва Табризнинг моҳир усталари томонидан 258 та ранг-баранг миниатюраларни ўз ичига қамраб олган ката суратли китоб – Фирдавсийнинг “Шоҳнома” қаҳрамонлик достонини яратиш устида иш олиб борилган.

Китобхонада ишлаш Беҳзоднинг деярли ҳамма вақтини қамраб олган, шунинг учун ҳам кам бўлса-да, унинг сафавийлар даврига оид асарлари ҳам бор. Улар орасида, тадқиқотчилар Саъдийнинг “Бўстон” ига ишланган “Сарой манзараси” (Метрополитен санъат музейи, Нью-Йорк), “Чол ва йигитча”шамси (Антология, Ҳирот, милодий 1524, Фрир санъат галереяси, Вашингтон), унинг етмиш ёшида чизган “Икки туя” ҳамда “Шоҳ Таҳмасп дарахт устидаги уйида” миниатюраларини алоҳида қайд этишган. Бу миниатюралар шуни кўрсатадики, Беҳзод қарилик даврида ҳам фикр теранлигини, ўткир қалами, композиция яратишдаги ажойиб маҳорати, янгиликларга қизиқишини сақлаб қолган. Бу унинг Фрир галереясида сақланаётган, ўша давр учун ноодатий – шамс шаклида ишланган “Чол ва йигитча” миниатюрасида яққол кўзга ташланади.

Беҳзод Табризда истиқомат қила туриб санъаткор сифатида ҳаётида яна бир бор жасорат кўрсатди. Ғурбатда, ғоят руҳий азобларда, она шаҳридан олисда туриб яна бир нафис тасвирий санъат мактабини бунёд этади. Ҳиротдагидек бу ерда ҳам ўз атрофига истеъдодли рассом, наққош ва бошқа ҳунармандларни тўплади, уларга кунт билан раҳнамолик қилиб, ўзининг сеҳргар санъатининг сир-асрорларини ўргата бошлади. Табризда Султон Муҳаммад, Оқо Мирак, Мир Мансур Мусаввир, Мир Саид Али сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялади.

Камолиддин Беҳзод саксон йиллик узоқ ва мазмундор ҳаёти давомида Султон Ҳусайн Мирзо (1469 – 1505), Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510), Шоҳ Исмоил Сафавий (1501 – 1524), Шоҳ Таҳмасп Сафавий (1524 – 1576) лар ҳукмронлик қилган тўрт салтанатни кўрди.

Беҳзод ўтмиш аждодлар меросидан фойдаланган ҳамда ўзигача ўтган санъаткорларнинг асарлари ва ютуқларидан хабардор бўлган ҳолда, шунингдек, ўз даврининг интеллектуал муҳити, ўзининг Амир Алишер Навоий маданий-ижодий уюшмасига қарашлилиги ва ушбу шахс билан бўлган муносабатлари натижаси ўлароқ ҳосил бўлган идеалистик ва гуманистик дунёқараши туфайли маданий меросни ўз даврининг муаммолари ва талаблари, ўзига хос юксак ғоявий асослар ҳамда индивидуал

ижодга оид 2 янги усуллар билан боғлаш учун янги йўллари топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Унинг миниатюра соҳасига киритган янгиликлари ирфон, ҳақиқат, адабиёт, табиат ва реаллик билан боғлиқ равишда шаклланди. Булар янги усуллар бўлиб, Камолитдин Бехзод уларни икки йўналишда – ишлов бериш ва техникада, мавзулар ва мазмунларда қўллашга муваффақ бўлди. Техника ва ижро усуллари соҳасида Бехзод асарларининг асосий қисми унинг замондошлари бўлмиш тарихчилар асарлари, масалан, Амир Темур ҳукмронлиги даврида юз берган тарихий воқеалар, у томонидан олиб борилган урушлар ва амалга оширилган қурилишлар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Зафарнома» асарида келтирилган маълумотлар асосида тарихий воқеаларни қайта тасвирлашга бағишланган. Рассом асарларининг яна бир қисмида реал шахслар ва воқеалар, бошқа бир қисмида эса китоблар билан боғлиқ бўлган ёки адабий матндан алоҳида бўлган ҳолатлар тасвирланган. Бехзод бу борада ўзига мавжуд бўлган миниатюрачилик анъанасига мувофиқ, реал оламни тасвирлаш ҳамда тасвирли маълумотлар бериш мақсадида табиий хусусиятларни ишга солади. Бироқ тасвирланган шахслардан ҳар бирини жонлантириб, уларни ўзига хос тасвир объектларига айлантирганидан сўнг уларни ҳаракатга келтиради. У ўзининг интеллектуал хусусиятлари ҳамда инсонга ва инсоннинг ижтимоий фаолиятига бўлган ўзгача қарашидан келиб чиққан ҳолда, ўз асарларида ҳиссиёт, ақл ва тафаккурни мутаносиб ва моҳирона бир тарзда қўллаб-қўлайди-да, инсоннинг поэтик реаллигини тасвирлаб беради. Инсон портрети бутун Эрон рассомчилиги санъатида, жумладан, Камолитдин Бехзод ижодидаги энг муҳим унсурлардан ҳисобланади. Унинг тарҳлаш, чизиш ва мутаносиблаштириш усули Эрон эстетикаси асосларидан илдиз олган бўлиб, ундаги реализмдан далолат беради. Тадқиқотчиларнинг изланишлари шуни кўрсатадики, Бехзоднинг рассомчилиги ижодидаги портрет жанрида яратилган асарларни уларда ҳоким бўлган хилма-хилликни инобатга олган ҳолда қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) лирик портретлар; 2) дарвешона ва сўфийона портретлар; 3) оддий халқ оммаси вакиллари портрети. Бехзоднинг рассомчилиги ижодидаги лирик портретларнинг асосий мазмуни форс адабиёти ва дostonларидан олинган. Ҳатто ушбу портретларнинг эстетик унсурларидан бир қисми инсоннинг форс адабиётидаги эстетик тавсифига мувофиқ келади. Дарвешона ва сўфийона портретлар ҳам сўфийона қарашлардан олинган бўлиб, маълум даражада Ҳирот шаҳрида сўфийлик доираларининг раvнақи билан боғлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акимовский О.Ф. Заметки к биографии Камал ад-дина Бехзода. / Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XIV годичная научная сессия. // ИВ АН СССР (доклады и сообщения) декабрь 1978 года. Часть 1.
2. Акимовский О.Ф. О придворной библиотеке Сефевида Тахмасба I в Тебризе. // Средневековый восток. История. Культура. Источниковедение. – Москва, 1980. С.15.
3. Ариф Усман. Крупнейшие суфийские братства Центральной Азии. - Самарканд, 1999.
4. Арберри А.Дж. Суфизм. Мистики Ислама. Пер. с англ.- Москва: Сфера. - 2002. С. 272.
5. Бабур-наме: Записки Бабура / Перевод М. А. Салье. Общ. ред. и доработка С. А. Азимджановой. Институт востоковедения АН Р УЗ. — Изд. 2-е, доработанное. — Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1993.